# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!


# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 22-IYUN, JUMA, 74 (7999) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Ўрта Чирчиқ тумани Авангард қишлоғида жойлашган "Sanfa products" масъулияти чекланган жамиятида линолеум ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Муҳими, лойиҳани амалга ошириш орқали ушбу маҳсулотнинг мамлакатимизга четдан олиб келиниши сезиларли даражада камайишига эришилиб, 50 та янги иш ўрни яратилди. 2



Ҳосилнинг асосий қисми касаллик ва зараркунандалар ҳисобига йўқотилиши мумкин. Ҳосилдорликни оширишда минерал ўғитлар ҳамда кимёвий препаратларнинг аҳамияти катта. "Махам-Chirchiq" очиқ акциядорлик жамияти мўл ҳосил етиштиришни мақсад қилган деҳқонлар, боғбонлар, миришкору сабзавоткорларга ўз маҳсулотларини таклиф этмоқда. 3



«Ҳисор» давлат қўриқхонаси саксон минг гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмида Оқсув, Қизилсув ва Танхоздарё туташган минтақасида жойлашган. Қўриқхона ҳудуди арчазорлар, қоялар, сойлардан иборат бўлиб, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик оламига бой. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА




Фарғона вилояти

## БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 10-мактабгача таълим муассасаси «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик жамғармаси кўмагида янгича қиёфа касб этди.








Боғчанинг асосий ва қўшимча бинолари таъмирдан чиқарилиб, иситиш тизими янгиланди. Кенг кўламли ободонлаштириш, бассейн ва ўйин майдончаларини реконструкциядан чиқариш ишлари амалга оширилди. Боғчанинг замонавий шарт-шароитга эга бўлгани, янги спорт анжомлари ва ўқув жиҳозлари билан таъминлангани болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишига хизмат қилади.

Малакали тарбиячи ва мураббийлар жалб этилган ушбу муассасада 120 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Эндиликда бу ерда хорижий тиллар, бадиий гимнастика, шашка, моҳир қўллар ва рақс машғулотларини юқори савияда олиб бориш учун барча қулайликлар мавжуд.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Келажак овози" республика танловининг саралаш босқичи якунланди.

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА ИЛҲОМ БАҒИШЛАБ

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Тошкент давлат техника университетининг илмий ишлар бўйича проректори К.Норқулова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод истеъдодини ривожлантириш, ўқувчиларга пухта билим бериш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» танлови ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Мазкур мега-лойиҳа 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича қобилиятини намойиш этишига хизмат қилмоқда.

Танловда қатнашишни истовчилар сафи йил сайин кенгаймоқда. 2005 йилда ўтган илк танловда 3 минг нафар йигит-қиздан ариза тушган бўлса, жорий йилда қарийб саксон минг нафарни ташкил этгани бунга яққол мисолдир.

Бу йилги мега-лойиҳанинг ўзига хослиги – унинг туман босқичлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги таълим масканларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида юксак савияда ўтказилди. Айни пайтда танловнинг туман, шаҳар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси босқичи давомида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир кўплаб лойиҳаларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Иккинчи босқич ғолибларига айланган 600 нафардан ортиқ ўғил-қиз танловнинг жорий йил декабрда бўлиб ўтадиган финал босқичида ўз маҳоратини намойиш этади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

КОЛЛЕЖ-БИТИРУВЧИ-КОРХОНА

**Хўжайли туманидаги Агроиқтисодиёт коллежида ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ташаббус ва лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди.**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ



Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан тақдим этилган бизнес-режалар ўрганилиб, 37 та лойиҳа учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатлар топширилди. Сертификат олган ёш тадбиркорлар ҳозирда хизмат кўрсатиш ва сервис, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, мева-сабзавот етиштириш соҳаларида фаолият олиб бормоқдалар. Жумладан, "Тахиатош тиббиёт" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўтган йили "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкидан имтиёзли кредит олиб, иш бошлаган эди. Айни кунда жамият аъзолари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда тумандаги 23 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 123 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ярмаркада 55 нафар ёш йигит-қизлар саноат корхоналари ва фермер хўжаликларига ишлаш учун йўлланма олишди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда хизматлар кўргазмаси ҳам бўлди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах вилояти

## БИОМЕТРИК ПАСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ БИОМЕТРИК ПАСПОРТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ҳар бир инсон хотирасида 16 ёшга тўлиб, паспорт олган куни умрбод сақланиб қолади. Жиззах шаҳридаги транспорт ва алоқа коллежида, 1- ва 7-сон умумтаълим мактабларида ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

Транспорт ва алоқа коллежининг ўн олти ёшга тўлган 52 нафар ўқувчисига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи янги нусхадаги биометрик паспортларни топшириш маросимида вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққанлар паспорт нафақат фуқароликни тасдиқловчи, балки шу фуқарога дунёнинг барча мамлакатларида давлатимиз ҳимоясида эканлигини кафолатловчи ҳужжат эканлигини таъкидладилар.

– Мен Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигимдан чексиз фахрланаман, – дейди Жиззах транспорт ва алоқа коллежининг ўқувчиси Салима Саъдуллаева. – Айниқса, мамлакатимизнинг янги нусхадаги, ҳар томонлама ҳимояланган паспортини олиш бахтига муяссар бўлганимдан беҳад хурсандман. Ватанимизнинг муносиб фуқароси бўлишга ҳаракат қиламан.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов қатнашди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

ИРРИГАЦИЯ

Андижон вилояти

## «ЯНГИ ҲАЁТ»ДА БАРҚАРОР СУВ ТАЪМИНОТИ

**Бўз туманидаги "Янги ҳаёт" массиви аҳолиси деҳқончиликда ўзига хос тажриба мактаби яратишган. Фермерлар ва томорқачилар ердан оқилона фойдаланиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Муҳими, даромад яхши. Шу боис, ҳудуд обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бормоқда.**

— Қишлоғимиз ерлари кўп йиллар мобайнида Шаҳрихонсойдан келадиган сув билан суғорилган, — дейди "Неъматжон баракаси" фермер хўжалиги раҳбари Иззатилло Жўраев. — Сўнгги йилларда сув таъминотида узилишлар пайдо бўлди. Туман раҳбарларига мурожаат қилдик. Улар томонидан чора-тадбирлар кўрилди. Катта Андижон каналидан сув оладиган насос ўрнатилди. Вақт ўтиши билан эса ўрнатилган насос ва ташлама ариқ бошқа муаммоларни келтириб чиқара бошлади.

— Бу ҳудудлар илгари чўл бўлган, шу боис, тупроғи қумли, — дейди фермер Исмоилжон Қодиров. — Ариқларга "бетон тўн" кийдирилган бўлса-да, сув сизиб чиқар, далага вегетация даврида мўлжалдаги сувнинг ярми ҳам етиб бормасди. Бу эса, биринчи навбатда, ҳосилдорликка таъсир этарди. Яқинда фермерларнинг бу муаммоси бартараф этиладиган бўлди. Давлат дастури асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, тегишли идораларда экспертизадан ўтказилди.

— Иш режасига кўра, жорий йилнинг август ойи охирларида "Янги ҳаёт" массивидаги "Пасткичек" насос станцияси ишга туширилиши белгиланган, — дейди 2-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси раҳбари Мадаминжон Қурбонов. — Қурилиш ишлари бораётган объектга борсангиз, фермерларнинг қувончли кунлари яқин эканлигига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Насос станцияси қурилиши бўйича ўтказилган танловда Николай Селевестров раҳбарлик қилаётган "Гидроспецмонтаж" масъулияти чекланган жамияти ғолибликни қўлга киритди. Жамоа раҳбари 35 йилдан буён сув хўжалиги тизимида фаолият кўрсатиб келмоқда. У раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари энг муҳим саналган иншоотларни барпо этишда иштирок этишган бўлиб, уларнинг касбий малакалари юқорилиги соҳа ходимлари ўртасида ҳамиша эътироф этиб келинади. 1 миллиард 652 миллион сўмлик қурилиш



ишлари жадал амалга оширилмоқда. Ҳозиргача асосий бино қуриб битказилди ва Тошкентдаги "Сувмаш" корхонасида тайёрланган насос монтаж қилинди. Электр таъминоти учун трансформатор ўрнатилиб, тармоққа уланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, насос станцияси қурилиши учун керакли жиҳозларнинг барчаси республикамиз корхоналарида тайёрланган.

Ҳозирда 2890 метр узунликдаги қувурни тортиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур ҳудуд тупроғида қумнинг салмоғи юқори. Аввалига ташлама ариққа "бетон тўн" кийдирилган бўлса-да, сувнинг йўл-йўлакай сизиб чиқиб кетиши давом этаверди. Шундан бўлса керакки, лойиҳачилар айни шу масалада ташлама ариқни қувурга айлантиришни лозим кўришди. Ана шунда насос чиқариб берадиган сувнинг барчаси энг охирги далагача етиб боради. Сув етиб борган жойдан эса далаларга тақсимланади.

Фермерлар орзиқиб кутаётган "Пасткичек" насос станцияси қурилишида Олимжон Иброҳимов, Шокиржон Маъруфалиев, Йўлдошвой Рўзиев, Равшанбек Ҳамидов, Анваржон Ўзганов каби созловчи, чилангар, пайвандчи ва кранчилар астойдил меҳнат қилишяпти.

Ҳадемай "Пасткичек" насос станцияси қурилиши ҳам якунланади. 500 гектар унумдор дала барқарор сув таъминотига эга бўлади.

Фермерларнинг далаларида ғалла ўрим-йиғими кундан-кунга қизғин паллага кирмоқда. Ғўзалар тиззага келай деб қолди. Шохларда шона, гул ва кўсаклар кўриниб турибди. Иззатилло Жўраев ҳудуддаги барча фермерларнинг қувончини изҳор этиб, насос станцияси қурилиши ғайратимизга ғайрат қўшадиган бўлди, дея таъкидлади. Август ойи ҳосилга-ҳосил қўшадиган палла. Шу паллада қониб сув ичган ғўзанинг кўсаклари бўлиқ бўлади. Кузга бориб эса, далаларга буғдой экилади. Ерга уруғ тушиши билан суғорилган далада бир текис буғдой майсалари пайдо бўлади. Аҳолининг томорқаси ҳам янада гуллаб яшнайди.

**Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

